

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТОВ ҒАНИШЕР САПИЕВИЧ**

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ  
ВА ДАВЛАТ АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ УЙҒУНЛИГИ  
(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of dissertation abstract  
of philosophy (PhD) on political sciences**

**Маматов Ганишер Сапиевич**

Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик назорати ва давлат ахборот сиёсатининг уйғунлиги (Ўзбекистон Республикаси мисолида).....3

**Маматов Ганишер Сапиевич**

Гармонизация общественного контроля и государственной информационной политики в информационном обществе (на примере Республики Узбекистан).....23

**Mamatov Ganisher Sapievich**

Harmonization of public control and state information policy in the information society (on the example of the Republic of Uzbekistan).....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТОВ ҒАНИШЕР САПИЕВИЧ**

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ  
ВА ДАВЛАТ АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ УЙҒУНЛИГИ  
(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Сийёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Siyos6 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-сайти (www.nuu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жўраев Нарзулла Қосимович**  
сийёсий фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мусаев Одил Раҳматович**  
фалсафа фанлари доктори, проф. в.б

**Қолқанов Нуриддин Ташпулатович**  
с.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент архитектура ва қурилиш институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг «27» 10 2020 йил соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (76 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-67-71; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «15» 10 кун тарқатилди.  
(2020 йил «15» 10 даги 26 рақамли реестр баённомаси)



**Ш.И.Пахрурдинов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор.

**А.Х.Холмахматов,**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.д. (PhD).

**Б.Т.Тўйчиев,**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, ф.ф.д., профессор.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугун жаҳонда глобал моҳият касб этаётган ахборот ва алоқа тармоқлари ахборот билан таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назорати ва унинг жамият тараққиётидаги ўрнини назарий жиҳатдан ўрганишни долзарб масала қилиб қўймоқда. Глобаллашув жаҳон тараққиётига, хусусан, оммавий ахборот воситалари ва журналистикага ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Бутун дунёда, хусусан, жамиятимизда юз бераётган кенг миқёсли ислохотлар оммавий ахборот воситалари томонидан мунтазам ёритиб борилаётгани жамоатчилик фикрининг шаклланишида, улар фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг кўплаб демократик давлатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, жамоатчилик назорати фақатгина жамият учун эмас, балки давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини самарали ташкил этишда ҳам ўта фойдалидир. Ахборотлашган жамият шароитида жамоатчилик назоратини шакллантиришнинг муҳим воситалари, институционал жиҳатларини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан илмий тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади. Негаки, жамият ривожлангани, юксак босқичларга кўтарилгани сари давлатнинг назорат қилиш ва яна кўпгина вазифалари, роли ва аҳамияти тобора камайиб, ўз ўрнини фуқаролик жамияти институтлари – жамоат ва нодавлат ташкилотларига, фуқаролар уюшмалари ва идораларига бериши ҳамда бу жараён тўхтовсиз кучайиб бориши зарур.

Ўзбекистонда ўтган йиллар давомида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини таъминлаш, ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизмларини яратиш, жамоатчилик назорати функцияларини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда ижро ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизмлари шакллантирилди. Шунинг учун жамоатчилик назоратининг давлат ахборот сиёсатида акс этиши, демократик жараёнларни чуқурлаштириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлашда ижтимоий коммуникациянинг ўрнини ҳар томонлама ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ахборот технологиялари ва тармоқларининг шиддатли ривожланиши, давлат бошқарувида ахборот фаолияти самарадорлигининг ўсиши ва ролини белгилашдаги аҳамияти ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда, матбуот – демократик жамиятнинг асосий белгиси сифатида жамоатчилик назоратини оммавий ахборот воситалари орқали чуқурлаштириш истиқболлари ва муаммоларига доир илмий қарашларни ривожлантиришнинг талаблари ўзгараётганлиги билан белгиланади. Шу маънода ахборотлашган жамиятда жамоатчилик назорати ва давлат ахборот сиёсатининг уйғунлигига доир назарий-методологик ёндашувларни сиёсий фан талаблари асосида тизимли ўрганиш долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон (07.02.2017й.), “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5980-сон фармонлари (16.04.2020й.), Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги жамоатчилик палатаси 62-сон Қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон амалиётида жамоатчилик назоратини шакллантиришга доир яхлит қабул қилинган модель йўқ. Унинг сиёсий менталитет билан боғлиқ ўзига хос мураккабликлари, эҳтиёткорлик, демократик қадриятларни босқичма-босқич жорий этиш амалиёти мавжуд. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқилса, жамоатчилик назоратининг тарихий илдизлари, илк куртаклари ва ривожланиш тенденцияларига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Сиёсатни, давлат сиёсатини шакллантириш жараёнида ахборотнинг ўрнини аниқлашда аҳамиятли қисми ва жамиятни бошқариш санъати сифатида илмий англаш муаммоси антик дунё файласуфлари Аристотель ва Платон диққатига сазовор бўлган. Ҳокимият ва жамият ўзаро муносабатларига оид масалалар янги давр сиёсий мутафаккирлари – Т.Гоббс, Ж.Локк, Ж.Ж.Руссо, И.Кант, Ж.Мильтон, Т.Пейна<sup>1</sup>лар диққат-марказида ҳам бўлган. Ушбу мутафаккирлар ҳокимият муносабатларини табиий ҳуқуқ ва ижтимоий шартнома назарияларида муҳокама қилган. Ижтимоий бошқарувнинг турли жиҳатлари Ф.Бэкон, А.Смит, А.Фергюсон<sup>2</sup> ва бошқаларнинг илмий асарларида чуқур таҳлил қилинган.

Ахборот жамиятини ривожлантириш ва шакллантириш асосини ташкил этувчи илмий тадқиқотлар, асосан, қуйидаги хорижий олимларнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида ўз аксини топган: Д.Бэлл, М.Кастельс,

<sup>1</sup> Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатига киритилган.

<sup>2</sup> Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатига киритилган.

Г.Шиллер, Д.Тапскотт, Э.Тоффлер, Ю.Хабермас, Ф.Фукуяма, Ф.Уэбстер, Л.Бриллю-эн, И.Валлерстайн, Н.Винер, Э.Гидденс, Ж.Гэлбрейт, П.Дракер, Э.Дюркгейм, М.Кастельс, П.Ф.Лазарсфельд, Г.Д.Лассуэлл, Г.Лебон, А.Х.Маслоу, Дж.Несбитт, Л.Туроу, А.Этцион, С.Хантингтон, Й.Хейзинг, У.Штанк<sup>1</sup> ва бошқалар. Ушбу муаллифлар кўпчилигининг таъкидлашича, жамият ҳаётининг ахборот соҳаси бу нафақат локал сегмент, балки ижтимоий-сиёсий маконнинг барча жихатларини ўзига олувчи материя бўлиб, унда ахборот бошқарув ва ҳокимиятнинг муҳим манбаига айланади.

Тадқиқот мавзуси моҳиятини англашда ахборот феноменининг илмий моҳияти ва ахборот маконини шакллантиришга бағишланган Ғарб олимлари Н.Винер, К.Шеннон ва бошқаларнинг фундаментал тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотни чуқур англаш зарурати оммавий коммуникация воситаларининг давлат бошқаруви ва сиёсатдаги муҳим ўрни билан белгиланади. М.Вебер, К.Поппер, К.Ясперс, Ю.Хабермас, Т.Адорно, Н.Луман ва замонавий социологиянинг бошқа мумтоз муаллифларининг социологик назарияларига мурожаат этмасдан мазкур тадқиқотни чуқур таҳлил этиб бўлмайди.

Ривожланган давлатларда ОАВ орқали сиёсий жараёнларга хизмат қилиш жамоатчилик назоратини ташкил этишнинг муҳим усули ҳисобланади.

Тадқиқот мавзуимизга оид масалаларнинг МДХ мамлакатларида ўрганилишига келсак, таҳлилчилар фуқаролик жамиятининг шаклланишига давлат сиёсатининг таъсирига доир жихатларни алоҳида қайд этишган. Демократик давлат ва фуқаролик жамияти шаклланиши бир қатор тадқиқотчилар, хусусан: А.С.Автономов, Е.В.Андрюшина, А.А.Аузан, А.И.Будов, В.Я.Гельман, Л.Ю.Грудцына, А.В.Кружков, А.Г.Кучерена, В.Г.Марахов, А.Ю.Мельвиль, И.В.Мерсиянова, И.К.Пантин, Д.Шмидт<sup>2</sup> ва бошқалар томонидан ўрганилган. Юқорида номлари қайд этилган муаллифларнинг илмий асарларида, асосан, фуқаролик жамияти ва алоҳида институтларни тушунишдаги турли ёндашувлар кўрсатиб берилган. Уларда, асосан, фуқаролар фаоллиги, янги вужудга келган давлатларда фуқаролик жамиятини қуриш ва шакллантириш билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган. Бироқ, кўп ҳолларда ушбу тадқиқотчилар илмий асарларида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва шакллантиришда ахборот технологияларининг аҳамияти, амалий воситалари, механизмлари ва инструментлари таҳлил этилмаган. Шу билан бирга, ахборот сиёсати ва замонавий давлатлар ахборот сиёсати тизими қатор хорижий тадқиқот ишларида, жумладан, В.О.Богомоллов, С.В.Коновченко, К.В.Маркелов, И.С.Мелюхин, О.Л.Митволь, Ю.А.Нисневич, О.А.Судоргин, Дж. Грей, В.Мотвилов, С.Фогель, Т.Шнидриг, П. Юдге ва бошқалар<sup>3</sup> томонидан қисман ўрганилган.

<sup>1</sup> Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатига киритилган.

<sup>2</sup> Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатига киритилган.

<sup>3</sup> Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатига киритилган.

“Ахборот сиёсати”, “давлат ахборот сиёсати” сингари тушунчалар бир қатор тадқиқотчилар томонидан турлича талқин этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, россиялик тадқиқотчи Ю.А.Нисневичнинг таъкидлашича, “ахборот сиёсати” тушунчаси “politics” – ҳокимият учун кураш маъносида эмас, балки сиёсатни инглиз тилидаги “policy” – стратегия, курс маъносида тушуниш лозим<sup>1</sup>. Яна бир россиялик тадқиқотчи С.Э.Зуев ахборот сиёсатини ахборот оқимидан фойдаланиш усули сифатида, А.С.Ахременко эса, уни коммуникацион маконнинг дизайнини белгилаб берувчи восита сифатида таърифлайди<sup>2</sup>.

Маҳаллий манбаларга мурожаат қилсак, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, иқтисодчи ва социолог олимлар фуқаролик жамиятининг у ёки бу жиҳатлари, унинг институтларига доир илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар. Улардан сиёсатшунос олимлар Ш.Пахрутдинов, А.Муминов, У.Идилов, М.Қирғизбоев, Н.Жўраев, С.Жўраев, Р.Алимов, М.Мунавваров, Б.Очилов, И.Эргашев, ҳуқуқшунос олим З.Исламов, социолог олим А.Ж.Холбеков, иқтисодчи олим М.Шарифхўжаевларнинг<sup>3</sup> тадқиқотларида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида фуқаролик жамиятига хос бўлган сиёсий-ижтимоий тизимнинг шаклланишига доир мавзулар ёритилган.

Ахборот сиёсатининг моҳиятини ифодалашда турли ёндашувларнинг мавжудлиги давлат ахборот сиёсати тизимининг кўп жиҳатли эканлигини англатади ва бу, ўз навбатида, ахборий-сиёсий ҳодисалар ва жараёнларга бағишланган турли илмий тадқиқотларга мурожаат этишга ундайди.

Тадқиқотчилар томонидан ўртага ташланган ва ифодаланган ёндашувлар ахборотлашган жамиятнинг концептуал асосларини такомиллаштириш ва тизимлаштириш жараёнида муҳим жиҳатларни қамраб олган.

Юқорида номлари зикр қилинган тадқиқотчилар ва мавзуга алоқадор адабиётлар таҳлилидан ҳозиргача давлат ахборот сиёсатининг функциялари, предмети, принциплари ва моҳияти аниқ белгиланмаганлигини кўришимиз мумкин. Давлат ахборот сиёсати доирасида давлат, жамият ва алоҳида фуқароларнинг ўзаро алоқа қилиш модели ҳамда ахборотлашган жамиятга боғлиқликнинг ўсиши шароитида фуқаролик жамияти институтлари шаклланиши ва ривожланиши жараёни етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Шунинг баробарида, афсуски, Ўзбекистон Республикасида ҳам ахборот сиёсатининг ҳолатига баҳо берувчи комплекс тизимли илмий ишларни олиб бориш давр талабига айланди.

Айнан шу жиҳат мазкур мавзу, унинг мақсад ва вазифаларининг танланишига асос бўлди. Ўрганилган илмий манбаларнинг биринчи гуруҳи янги ахборот жамияти ривожланишининг ижтимоий истиқболларига боғлиқ.

<sup>1</sup> Нисневич, Ю.А. Проблемы государственной информационной политики России // <http://www.frip.ru/newfrip>.

<sup>2</sup> Зуев, С.Э. Понятие информационной политики [Электронный ресурс] // <http://www.sergeyzuev.ru>.

<sup>3</sup> Мазкур тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида киритилган.



**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170928710-сонли «Харакатлар стратегиясини бажариш даврида мамлакатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш масалалари» мавзуидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Жамоатчилик назорати назариясига мансуб мавжуд манбаларни аниқлаш, замонавий давлатлардаги ахборот сиёсатининг моҳияти, мазмуни ва хусусиятларини аниқлаш ҳамда Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини такомиллаштиришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамиятини илмий-назарий жиҳатдан ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

давлат бошқарувида “жамоатчилик назорати” тушунчаси, унинг асосий концепциялари ва тавсифларини аниқлаш;

“жамоатчилик назорати субъектлари” тушунчасини таҳлил қилиш, вазифа ва принципларини кўриб чиқиш;

ахборот технологияларининг трансформациялашуви воситаси сифатида электрон ҳукуматнинг роли ва ўрнини норматив баҳолаш;

замонавий жамият ва давлатда давлат ахборот сиёсатининг асосий функциялари ва структурасини аниқлаш;

жамоатчилик билан алоқани ахборот сиёсатининг институти ва воситаси сифатида тавсифлаш;

“жамоатчилик назорати” кўринишларининг оптимал вариантларини таклиф қилиш;

жамоатчилик назорати субъектларининг ўзига хос жиҳатларини таърифлаш ва аниқ хулосаларга келиш.

**Тадқиқотнинг объектини** ахборотлашган жамиятда жамоатчилик назорати ва давлат ахборот сиёсатининг уйғунлиги ва бу жараёндаги жамиятни модернизациялаш тажрибалари, оммавий ахборот воситаларининг ўрни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети.** Жамиятда жамоатчилик назорати ўрнатилиши ортидан давлат ахборот сиёсатида акс этган реал ва принципал ўзгаришлар, жамоатчилик назорати ва ОАВ уйғунлигининг натижадорлиги, тарихий-сиёсий трансформация жараёнида фуқароларда сиёсий маданият ва фаолликни ривожлантиришдан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида тарихий, тизимли тузилмавий, институционал таҳлил, сиёсий жараёнларни моделлаштириш, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган. Диссертация ишини амалга оширишда, шунингдек, сиёсий тадқиқотларда кенг қўлланиладиган қиёсий таҳлил ва сиёсий анализ методларидан ҳам фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ахборотлашган жамиятда жамоатчилик назорати ва давлат ахборот сиёсатининг уйғунлиги масалалари ривожланган давлатлар тажрибаси ҳамда мавжуд илмий-методик қарашлар призмаси орқали очиб берилган;

давлат бошқарувида ахборот фаолиятини амалга оширишнинг фаол ва пасив ошқоралик принципларини амалга оширишда ахборотни ҳужжатлаштириш, ахборотдан фойдаланишни таъминлаш, ахборот билан оммавий таъминланиш, ахборий ўзаро муносабат ўрнатиш каби услубий тизимлар тамойилларига таяниши асосланган;

Ўзбекистонда демократлаштириш, ижтимоий фикр ва жамоатчилик назоратини уч босқич – шаклланиш, ривожланиш ва янги даврларга ажратиб, алоҳида-алоҳида назарий қарашлар ҳамда жамоатчилик назорати мисолида “ижтимоий виждон” тушунчасининг таърифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда “Ахборот сиёсати”нинг жамоатчилик назоратида акс этиш тенденциялари ва муаммолари мисолида жамоатчилик фикрини юксалтириш бўйича илмий фаразлар такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

жамоатчилик назоратининг функция ва воситаларини янада ривожлантириш, такомиллаштириш бўйича амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган;

жамоатчилик назорати ҳақидаги тасаввур ва тадқиқотларнинг умумконтекстга келтирилганлиги ортидан ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган назарий-методик жиҳатлар аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда Ўзбекистонда ва хорижда нашр қилинган ҳамда эътироф этилаётган илмий, фалсафий, оммабоп босма ва электрон адабиётлардаги ёндашув ва усуллардан фойдаланилгани, жамоатчилик назоратини таъминлашда ОАВнинг роли ҳақидаги туркум тадқиқотларда илгари сурилган энг сара мулоҳазалар танлаб олингани ва фикр билдирилгани, янги принципиал қоидалар ва норматив ҳужжатлар, архив материаллари каби бирламчи манбаларга асосланганлиги билан белгиланади.

Бундан ташқари, концептуал ва қонуний асосга эга хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда тадқиқот жараёнида олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳам илмий натижаларнинг ишончлилиги даражасини изоҳлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, рационаллик, тарихийлик, холислик, тизимлилик принциплари ҳамда фанлараро ёндашувлар, хусусан, социологик ва сиёсатшуносликка оид методларга асосланган жамоатчилик назоратига оид методологик ёндашувлар ва назарий хулосалар такомиллаштирилган.

Шунингдек, диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, мустақил Ўзбекистон тарихида шу пайтга қадар “жамоатчилик назорати” ва “давлат ахбороти” тушунчаси билан боғлиқ бундай фундаментал тадқиқот ўтказилмаган. Шу боис бу изланишимиз ҳосиласи келгусидаги тадқиқотлар учун муҳим манба вазифасини ўтайди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик назорати ва давлат ахборот сиёсатининг уйғунлиги

ва бу жараёндаги жамиятни модернизациялаш тажрибалари, оммавий ахборот воситалари ролини янада такомиллаштириш бўйича чиқарилган хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар асосида қуйидагиларга эришилди:

ахборотлашган жамиятда жамоатчилик назорати ва давлат ахборот сиёсатининг уйғунлиги масалалари ривожланган давлатлар тажрибаси ҳамда мавжуд илмий-методик қарашлар призмаси орқали очиб берилганлиги ҳамда давлат бошқарувида ахборот фаолиятини амалга оширишнинг фаол ва пасив ошкоралик принципларини амалга оширишда ахборотни хужжатлаштириш, ахборотдан фойдаланишни таъминлаш, ахборот билан оммавий таъминланиш, ахборий ўзаро муносабат ўрнатиш каби услубий тизимларга асосланган тамойиллар бўйича ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тадқиқот натижаларидан “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг сиёсий-ҳуқуқий асослари” номли ўқув қўлланмани яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 2018 йил 23 майдаги №14/143-сон далолатномаси). Мазкур ўқув-услубий қўлланмага диссертация ишидаги амалий таклифлар манбаа бўлиб хизмат қилган;

давлат бошқарувида ахборот фаолиятини амалга оширишнинг фаол ва пасив ошкоралик принципларини амалга оширишда ахборотни хужжатлаштириш, ахборотдан фойдаланишни таъминлаш, ахборот билан оммавий таъминланиш, ахборий ўзаро муносабат ўрнатиш каби услубий тизимлар тамойилларига таяниши ҳамда жамоатчилик назорати кучайтириш каби услубий тамойилларига оид илмий фаразлар, таклифлар ва тавсияларидан Республика Маънавият ва маърифат марказида маърузачилар учун “Ахборотлашган жамият” номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 28 январдаги 02/07-128-сон далолатномаси). Натижада, бу Марказнинг худудий бўлимлари орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот ишларини самарали амалга оширишга манба бўлиб хизмат қилган;

Ўзбекистонда демократлаштириш, ижтимоий фикр ва жамоатчилик назоратини уч босқич – шаклланиш, ривожланиш ва янги даврларга ажратиб, алоҳида-алоҳида назарий қарашлар ҳамда жамоатчилик назорати мисолида “ижтимоий виждон” тушунчасига берилган таърифлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O'zbekiston” телерадиоканалининг “Таълим ва тараққиёт”, “Парламент фаолияти” эшиттиришлари дастурларини ишлаб чиқиш ва “ижтимоий виждон” ғоясини доимий равишда тарғиб қилиш ценарий ишланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 7 июндаги О'z/B-1-115-сон

далолатномаси). Натижада, мазкур таклиф ва тавсияларнинг “O’zbekiston” телерадиоканали дастурларига киритилиши МТРКнинг фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини ривожлантириш ва жамиятда “ижтимоий виждон” ғоясини кенг тарғиб қилиш ишларига катта ҳисса қўшган;

Ўзбекистонда “Ахборот сиёсати”нинг жамоатчилик назоратида акс этиш тенденциялари ва муаммолари мисолида жамоатчилик фикрини юксалтириш бўйича илмий фаразлардан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган дастурининг 8.1. Миллий ахборот маконини ривожлантириш банди асосида тайёрланган “Ахборотлашган жамият” номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия Қўмитасининг 2020 йил 13 февралдаги №01-56-сонли далолатномаси). Натижада, диссертация ишида илгари сурилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган дастури ва партиянинг 2020 йилга мўлжалланган устувор йўналишлари бўйича дастурини ёритишга манбаа бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари республика миқёсида ўтказилган 15 та илмий-амалий конференция ва 2 та халқаро илмий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 1 та ўқув қўлланма, 2 та илмий-оммабоп қўлланма нашр этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда), 17 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлари тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 144 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиқ берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, методлари тавсифланган, тадқиқот объекти, предмети аниқланган, ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик назоратини шакллантиришнинг назарий-методологик асослари**” деб номланган биринчи бобда ахборотлашган жамият ва жамоатчилик назоратига доир назарий-методологик ёндашувлар асослантирилган бўлиб, истиқлол туфайли фуқароларимизнинг дунёқараши ва тафаккури, ҳуқуқий онги ва маданиятида туб ўзгаришлар юз берганлиги ҳамда янги босқичга чиққанлиги ҳақида сўз боради. Эндиликда, дунё бўйлаб юз бераётган глобал характердаги демократик жараёнларнинг шиддати нафақат фуқаролар, ўз навбатида, соҳа тадқиқотчилари зиммасига катта масъулият юкламоқда.

Мазкур зарурият, айниқса, фуқаро – жамият – давлат муносабатларида ўзига хос илмий ечимларни талаб этмоқдаки, бу бевосита жамоатчилик назорати ва уни шакллантиришга хизмат қилувчи асосий институт – оммавий ахборот воситалари (ОАВ) тақдири ва келажагига чамбарчас боғлиқлиги тадқиқот ишида таъкидлаб ўтилган.

Ушбу бобда “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да жамоатчилик билан мулоқот, фуқароларнинг давлат бошқаруви ишидаги фаол иштирокини таъминлаш ва жамоатчилик назоратини ўрнатишда ОАВнинг ролини ошириш алоҳида таъкидланган. ОАВ ўз вазифаси нуқтаи назаридан жамиятда умумий кайфиятни шакллантирувчи энг соғлом ғоялар атрофида аҳолини бирлаштирувчи, йўналтирувчи куч ҳисобланади. Унинг аҳоли қатламининг барча йўналишларига кириб бориши, қамраб олиши муҳим аҳамиятга эга. Иккинчи томондан сўзнинг қудрати ва жозибасини тўла намоён этмоғи лозим. Бунда журналист маҳорати, матбуот ходимларининг касбий, ижодий маҳорати муҳим аҳамиятга эга. Демакки, матбуотнинг ҳозиржавоблиги, принципиаллиги, ислохотлар жараёнини бутун моҳияти билан тушуниб тарғиб эта олиши одамлар сиёсий онгини юксалтиришда энг муҳим восита эканлиги таъкидланган.

Фуқаролик жамиятида аҳолининг давлат органлари билан ўзаро алоқасида ахборот муҳим ўрин эгаллайди. Очик жамиятда оммавий ахборот воситалари барча кучлар тузилмаларининг очик-ошкоралигига, сиёсий жараённинг очиклигига ҳисса қўшмоқда. Ривожланган давлатларда ОАВ орқали тарғибот қилишда сиёсий жараёнларга хизмат қилиш – жамоатчилик назоратини ташкил этишнинг таъсирчан усулидир. Бунинг асосини биз Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ҳақидаги Европа Конвенцияси, Европа Кенгашининг “Журналистик эркинлик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги резолюцияси, “ОАВ соҳасидаги келажак сиёсати тўғрисида”ги декларацияси, “ОАВ ва сабр-тоқатли бўлиш маданиятини шакллантириш тўғрисида”ги, “Жиноий жараёнларга дахлдор ахборот манбаларини ҳимоя қилишда журналистларнинг ҳуқуқи тўғрисида”ги тавсияларда аниқ кўришимиз мумкин.

Европа мамлакатларида ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таъминловчи бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Швециядаги 1776, 1812, 1949 йилларда ахборот эркинлиги тўғрисидаги қонунлар, Финляндиянинг 1951 йилдаги “Расмий ҳужжатларнинг ошкоралиги тўғрисида”ги ҳамда 1999 йилда қабул қилинган “Ҳукумат фаолиятининг очиқлигитўғрисида” ги қонунларида булар ўз аксини топди. Шунингдек, Буюк Британиянинг 2000 йилдаги “Ахборот эркинлиги тўғрисида”ги Қонуни фуқаронинг давлат органлари ахборот тизимига кира олиши ва уни назорат қилишда иштирок этишини белгилаб берди. Натижада ҳокимият органлари устидан назоратни кучайтиришнинг янги институти пайдо бўлди.

Айни дамда жаҳон тажрибасида жамоатчилик назорати орқали давлат бошқарувида иштирок этиш истаги кучайиб бормоқда. Ўтган аср сиёсий жараёнларида назар ташланса, фуқароларнинг сиёсий мафкура таъсири асосида яшаши ва жамиятнинг сиёсийлашуви кучайганига гувоҳ бўлиш мумкин. МДХ давлатларида жамоатчилик назоратининг шаклланиш динамикасига эътибор берилса, уларда сиёсий соҳага сиёсатдан хабардор бўлмаган одамларнинг аксарияти жалб қилинмайди.

Бугун мамлакатимизда ҳам нодавлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, ҳаётнинг барча соҳаларида либераллаштириш жараёнларини жадаллаштириш, энг асосийси, қонунлар ижросини тўла таъминлашда давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мазкур ёндашув ва ундан ўсиб чиқувчи тамойиллар замонавий дунё бошқарувида ўзини ҳар томонлама оқлаётгани ва чинакам демократик қадриятлар улуғланишига катта ижобий таъсир кўрсатаётгани билан ҳам эътиборлидир.

Мамлакатда рўй бериши мумкин бўлган ички низоларни бартараф этиш, шунингдек, ташқи сиёсий, ғоявий таҳдидларга ҳам қарши туриш чораларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ сиёсат юритишда давлатнинг, биринчи навбатда, ОАВга кучли мафкуравий, маънавий ва маърифий восита сифатида таяниши таъкидланади.

ОАВ тўртинчи ҳокимият сифатида фуқаролик жамиятининг асосини ташкил қилади. ОАВ эркинлигини таъминлаш орқали ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг зарур муаммоларини илгари суриш, жамият аъзоларини ўйлантираётган, мавжуд бўлган муаммоларини кенг халқ оммасига ҳавола қилиш, жамиятни бошқарув тизими фаолияти ҳамда қабул қилаётган қарорларига ҳолисона баҳо беришга эришиш мумкин.

Фуқаролик жамиятининг ҳар қандай бошқа институтлари сингари ОАВ ҳам бошқа жамоатчилик ташкилотлари, давлат институтлари билан ўзаро таъсирда бўлиб, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, давлат ва

махаллий бошқарув органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларга таъсир кўрсатишга интилиб боради.

Мамлакатимизда нодавлат ОАВни қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини янада ошириш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди: Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат Фонди ташкил қилинди; Нодавлат электрон ОАВ миллий Ассоциацияси тузилди.

Ҳозирги кунда республикаимизда 1500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Вақт ўтгани сайин ОАВнинг таркиби ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Буни юртимиздаги барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат ОАВ экани ҳам тасдиқлайди<sup>1</sup>.

Жамоатчилик назоратида халқ ва ҳукумат ўртасидаги мулоқот шакллари хусусида гап кетганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида: “Ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш жараёнига фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари билан очиқ мулоқотни таъминлайдиган жамоатчилик билан ҳамкорликнинг замонавий шакллари (виртуал қабулхоналар, “ишонч телефонлари”) ни кенг жорий этиш”<sup>2</sup> масаласи алоҳида қайд этилганлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Диссертациянинг **“Ахборотлашган жамиятда давлат ахборот сиёсати ва жамоатчилик назорати”** деб номланган иккинчи бобида жамоатчилик назоратининг давлат ахборот сиёсатида ақс этиши масалалари тадқиқ этилган. “Ахборот сиёсати” тушунчаси мавжуд ахборот оқимлари ва ресурслари билан ишловчи усулларга киради.

“Ахборот сиёсати”га гарчи миллий ва умумбашарийлик нисбати ўлароқ қаралса-да, аслида маълумотни қабул қилиш ва тарқатишнинг яхлит тизими барпо этилиши жамият учун ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Чунки бугунги глобаллашув шароитида холис ва уйдирма ахборотни бир-биридан фарқлай олиш, истеъмолчи ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилмаслигини таъминлаш, энг асосийси, нотўғри маълумотлар тарқатилишининг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик, бу йўналишда қилиниши зарур бўлган амалий ишларни жамият олдида кўндаланг қилиб қўяди. Биз буни давлат ахборот сиёсатида “маълумотлар банки” сифатида ҳам баҳолашимиз мумкин. Масалан, *post, право, lex.uz* тизимлари.

Биламизки, “Ахборот сиёсати” жамиятда манфаатларни амалга оширишнинг энг самарали усули ва ахборот оқимларини назорат қилишнинг энг муҳим омили кўринишида намоён бўлади. Тадқиқот тили билан айтганда, “ахборот сиёсати” қуйидагиларни англатади:

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига”. Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 28 июнь сони.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон Фармонида 1-илова. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш;

Давлат ва ОАВ ўртасида конструктив мулоқотни таъминлаш;

Фуқаролар учун ахборотнинг очиқлиги ва уларнинг ахборот олиш борасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги презумпцияни тан олиш;

Ахборотнинг эркин айланишини таъминлаш;

Давлат ва ҳукуматга бўлган ишончни ошириш;

Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан самарали алоқа ўрнатишидаги муҳим ўрни шулар жумласидандир.

Ахборотнинг айнан сиёсатга хизмат қилишининг асосий сабаби, унинг ҳозирда ўзаро таъсир кўрсатиш инструменти сифатидаги аҳамиятининг ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

2017 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан учрашуви мамлакатни янада демократлаштириш борасида янги қутбни очиб берди. Унда, парламент, сиёсий партиялар ва маҳаллий кенгашлар ноиблари фаолиятига танқидий кўз билан қараш баробарида келгусида қилиниши лозим бўлган режалар белгилаб олинди. Жумладан, давлат раҳбари: “Демократия қаердан бошланади – парламентдан бошланади. “Парламент – демократия мактаби”, деймиз. Шундай экан, миллий парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши керак”<sup>1</sup>, дея таъкидлаб ўтади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, айнан мазкур ҳуқуқий ҳужжат орқали жамоатчилик назоратининг субъектлари, уни амалга ошириш шакллари ва ҳуқуқий механизмлари аниқ белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида чиқиш қилар экан: “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича миллий ва халқаро нодавлат ташкилотлар билан очиқ мулоқотимиз фаоллашиб бормоқда. Эндиликда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти парламент ва фуқаролар томонидан доимий назорат қилиб борилмоқда. Мамлакатимизда сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг роли ортиб бормоқда, суд органларининг чинакам мустақиллиги таъминланмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг ўрни сезиларли даражада ортиб бормоқда”<sup>2</sup>, дея фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамиятини алоҳида қайд

---

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон Фармонида 1-илова. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан. [Электрон манба] [www.uza.uz](http://www.uza.uz).



этган эди. Президентимизнинг халқаро нуфузли ташкилот минбарида туриб билдирган фикрларидан маълум бўлмоқдаки, Ўзбекистон ўз тараққиётининг навбатдаги босқичида, мамлакатни идора этишда жамоатчилик назорати субъектларига қатъий таянади.

Давлат органлари фаолияти бўйича жамоатчилик назорати дейилганда, мустақил ва қонун томонидан ўрнатилган ҳамда давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашга қаратилган билимдон субъектларни ижтимоий назорат қилиш тушунилиши лозим.

Ҳар қандай замонавий давлатда бўлгани каби Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ижтимоий назорат қилиш тизимида қонун ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Давлат ўз органлари ва амалдор шахслари номидан, энг аввало, фуқаролар, халқ, жамият иродасини ижро этади.

Шу жиҳатдан мазкур бобда демократик жараёнларни чуқурлаштириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлашда ижтимоий коммуникациянинг ўрни ва ролини белгилашда Ўзбекистон демократик, ҳуқуқий давлат куриш, фуқаролик жамиятини тобора ривожлантириш йўлидан жадал бораётганлиги кўрсатиб ўтилган. Ўз тараққиёт йўлининг илк кунларидан бошлаб демократиянинг энг муҳим талаби – имконияти, салоҳияти ҳисобланган ОАВни ривожлантириш, қўллаб-қувватлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилганини таъкидлаш лозим.

2018 йил 9 январда мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлигига бағишланган видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалалар ҳам ишнинг амалий жиҳатлари учун муҳим ҳисобланади. Унда қайд этилишича, ахборот технологиялари соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши Жанубий Кореяда – 9 фоиз, Японияда – 5,5 фоиз, Хитой ва Ҳиндистонда – 4,7 фоиз, Ўзбекистонда атиги 2,2 фоизни ташкил этади. Буни ахборот-коммуникация ривожланиш индекси рейтингигаги 176 та мамлакат ичида Ўзбекистон 95-ўринни эгаллагани исботлаб турибди.<sup>1</sup> Шуниси аниқки, халқаро тажрибани, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда, “2018–2021 йилларда “Электрон ҳуқумат” тизими<sup>2</sup>ни янада ривожлантириш стратегияси”ни ишлаб чиқиш бугун ҳар қачонгиданда долзарб масалага айланган.

Тадқиқот ишида Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш, ижтимоий фикр ва жамоатчилик назорати учта: шаклланиш, ривожланиш ва янги босқич даврлари мисолида кўриб чиқилган. Зеро, илмий таҳлил, халқаро

<sup>1</sup> Қаранг: [Электрон манба]: <http://prezident.uz/uz/lists/view/1414>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-3245-сон Қарори. Манба: <http://lex.uz>.

эътироф ва аҳоли сиёсий онги даражасини белгилайдиган социологик сўровномалар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, демократия ва жамоатчилик назорати Биринчи Президент Ислон Каримов даврида шаклланиш ва ривожланиш босқичларини ўтаган бўлса, Президент Шавкат Мирзиёев даврида янги босқичга кадам қўйди. Бу жараён изчилликда давом этмоқда. Масалан, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Биринчи Президент даврида парламент муҳокамасига қўйилган бўлса, пухта ҳолатга келтирилгач, Шавкат Мирзиёев раҳбарлиги даврида қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда давлат ахборот сиёсати ва жамоатчилик назорати масалалари”** деб номланган учинчи бобда Ўзбекистонда матбуотнинг демократик жамиятнинг асосий белгиси сифатидаги ўрни, жамоатчилик назоратини ОАВ орқали чуқурлаштириш истиқболлари ҳамда Жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишнинг истиқболи ва муаммолари хусусида фикр юритилган.

